**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Булунғур тумани ҳокими**
**_____________ С.Астонов**

**2024 йил “16” ноябр**

**Булунғур туманида 2025-2026 йилларда инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантириш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш бўйича “Йўл харитаси”**

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбаси ва миқдори | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **Булунғур тумани** | | | |
| **1.** | “Янги Ўзбекистон” массивида электр энергия таъминотини яхшилаш | 1. Жомбой туманида қурилаётган 110/35/10 кВли “Назар” подстанциясидан Булунғур туманидаги мавжуд “Ғалаба” подстанциясига 110 кВли икки занжирли 20 км тармоқ тортиш<br>2. 1 дона 110/35/10 кВли подстанция қуриш ва 2 дона 25 мВт куч трансформатори ўрнатиш | 2025 йил ноябрь ойи | Республика бюджети 65 млрд сўм | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **(Ж.Қўчқоров),** Энергетика вазирлиги (**Ж.Мирзамаҳмудов**) |
| **2.** | **“Метин Гроп Импекс” МЧЖ** томонидан қовурилмаган семичкани экспорт қилишга рухсат олиш. | 1. Истеъмол учун етиштирилган семичкаларни экспорт қилишга рухсат бериш ёки Республика ҳудудларига экспорт квота тизимини жорий этиш. | 2025 йил март | Маблағ талаб этилмайди | Вазирлар Маҳкамаси |
| **3.** | **“Каттақишлоқ”** маҳалла ҳудудида **“Билағон Пиноккио” МТМ** ни ташкил этиш. | **1.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ва **“Билағон Пиноккио” МТМ** ўртасида ДХШ шартномасини имзолаш ҳамда 2,4 млрд сўм имтиёзли кредит ажратиш. | 2025 йил | 2,4 млрд кредит маблағи | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиг (**Х.Умарова**) |

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбаси ва миқдори | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **4.** | Ниёзмат маҳалласи ҳудудида **“Болалигим Шодлигим” МТМ**ни ташкил қилиш. | 1. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ва **“Болалигим Шодлигим” МТМ** ўртасида ДХШ шартномасини имзолаш ва муассасани 11-умумий ўрта таълим мактабининг фойдаланилмай турган 0,45 гектар ер майдонида қуришга рухсат бериш.<br>2. Шартномага асосан 2,7 млрд сўм имтиёзли кредит ажратиш. | 2025 йил март<br><br>2025 йил | 2,7 млрд кредит маблағи | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиг (**Х.Умарова**) |
| **5.** | Туманнинг “Гулистон“ ва “Булунғур” маҳаллаларида 8 та 2-3 қаватли уйларни реноватсия дастурига тушириш. | 1. Туман марказининг замонавий ёндашувлар асосида халқаро консультантларни жалб қилиб Ўзшаҳарсозликлити Бош лойиҳалаш институти томонидан бош режа ишлаб чиқиш.<br>2. Реноватsiя дастуридан сўнг қурилган уйларни электр энергия билан таъминлаш учун 3 та ТП-450 лик трансформатор ўрнатиш. | 2025-2029 йиллар давомида | Бюджет маблағлари ҳисобидан 1,1 млрд | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (**Ж.Қўчқоров**), Энергетика вазирлиги (**Ж.Мирзамаҳмудов**) |
| **6.** | “Янгиариқ” МФЙ ҳудудида Булунғур канали соҳил бўйида туризм хизмати, соғломлаштириш масканини ташкил этиш. | 1. Қишлоқ хўжалиги бўз ер ва яйлов ерлар тоифасидан саноат ерлари тоифасига ўзгартириш.<br>2. Тоифа ўзгартириладиган майдонда **47 та** тадбиркорлик субъектлари (санаторий ва дам олиш маскани, сув ҳавзаси, эко боғ, спорт майдончаси, болалар ўйингоҳи, кўнгилочар марказлар) ташкил этилади..<br>3. Хизмат кўрсатиш нуқталарига 2 км йўл қуриш, 40 та қуёш панели билан кўчани ёритиш чироқлари | 2025-2027 йиллар давомида | 75,1 млрд сўм шундан;<br>*2,5 млрд сўм бюджет маблағлари,*<br>*47,6 млрд сўм ташаббускор маблағлари,*<br>*25 млрд сўм банк кредити.* | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (**Ж.Қўчқоров**), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (**И.Абдурахмонов**) |

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбаси ва миқдори | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ўрнатиш ҳамда 2 км пиёдалар йўлакчаси қуриш | | | |
| **7.** | Туман ҳамда вилоятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида сабзавот, картошка, дуккакли экинлар майдонини кенгайтириш. | 1. Сабзавот, картошка, дуккакли экинлар майдонини кўпайтириш учун тумандаги мавжуд 6 040 гектар кузги бошоқли дон (буғдой) майдонларини қисқартириш.<br>2. 2025 йил ҳосилидан бошлаб туманда кузги бошоқли (буғдой) экинлари ўрнига сабзавот, полиз, дуккакли ва картошка экинларини жойлаштириш.<br>3. Сабзавот экинларини жойлаштиришда ташқи бозор конюктурасини ўрганган ҳолда биринчи навбатда экспортбоп юқори даромадли экин турларини жойлаштириш.<br>4. Бунда юқори даромадли мева турларини экиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2025 йил январ<br><br>2025 йил сентябр | Маҳсулот етиштирувчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **(И.Абдурахмонов)** |
| **8.** | Булунғур туманида қурилаётган "Булунгур сув омбори"да қўшимча сув чиқариш иншооти қуриш. | 1. "Булунғур" сув омбори қурилишида қўшимча сув чиқариш қобилияти **10 м³** сув чиқариш иншооти юзасидан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.<br>2. Қурилиш монтаж ишларини якунлаш, фойдаланишга топшириш | 2025 йил январ<br><br>2025 йил декабр | Республика бюджети (лойиҳа смета ҳужжатлари асосида) | Сув хўжалиги вазирлиги **(Ш.Хамраев)** |

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбаси ва миқдори | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 9. | “Меҳнат” агрофирмаси томонидан вино ишлаб чиқариш корхонаси хусусийлаштириб олинган. Ушбу майдонлар ҳозирги кунда қаровсиз ва самарасиз фойдаланилмоқда. | 1. “Меҳнат” агрофирмаси фойдаланишидаги 2,8 гектар ишлаб чиқариш ва 226,3 гектар узум плантатсиясини белгиланган тартибда туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиш. | 2025 йил декабр | Маблағ талаб этилмайди | Адлия вазирлиги |
| 10. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 222-сонли қарорининг 18 бандига кўра туман ҳокимлигининг захирасига олинмаган ерлар бўйича тоифасини ўзгартириш таклифи кўриб чиқилмаслиги белгиланган.<br>Мисол учун, лалми ер майдонига эга фермер хўжалиги ёки бошқа корхона томонидан чорвачилик, паррандачилик ва бошқа мақсадда қурилишни амалга ошириш зарурати пайдо бўлганда қарор талаби бўйича ерни захирага қайтаришга мажбур бўлади.<br>Бундан ташқари ер захирага қайтарилгандан сўнг тоифаси ўзгартирилиб аукцион савдоларига чиқариш белгиланган.<br>Ушбу ҳолатда тадбиркор ўз ерига эгалик қилиш ҳуқуқи қўлдан кетиши ёки ўз ҳудудига бошқа тадбиркор кириб келишини ҳисобга олиб, | 1.Вазирлар Маҳкамасининг 222-сонли қароридаги ушбу бандни қайта таҳрирлаш орқали ушбу ҳолатдаги тадбиркорларга қонунда белгиланган тартибда ернинг нобудгарчилигини тўлаган холда қурилишга рухсат бериш. (суғориладиган ерлар бундан мустасно) | 2024 йил декабр | Маблағ талаб этилмайди | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси |

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбаси ва миқдори | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | режалаштирилган лойиҳаларни амалга оширишдан воз кечади. | | | | |
| **11.** | Булунғур туманида **“Булунғур давлат ўрмон хўжали”**гини ташкил этиш. | 1. **“Жомбой ўрмон”** хўжалиги тасарруфидаги 223 гектар мавжуд ер майдонига туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиш.<br>2. Туман ҳокимлиги захирасида бўлган 60 гектар сувли ҳамда 3000 гектар яйлов ер майдонларидан иборат жами 3283 гектар ерларда мевали ва манзарали кўчатлар етиштириш.<br>3. Ушбу орқали қуввати 3 млн дона кўчат етиштириш орқали 150 нафар аҳолини доимий иш ўрнилари билан таъминланади. | 2025 йил февраль | Маблағ талаб этилмайди | Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги Давлат қўмитаси,<br>Булунғур туман ҳокимлиги |
| **12.** | Бешқўтон маҳалласи ҳудудидаги **“Булунғур органик меат” МЧЖ** негизида чорвачилик комплексини ташкил этиш. | **1.** “**Булунғур органик меат” МЧЖ** томонидан E-auksion савдолари орқали сотиб олинган **258 гектар** ер майдонидан **6,0 гектар** лалми ер майдонини тоифасини ўзгартириш мақсадида ҳужжатлар йиғма жилдини тайёрлаб, Ҳукумат комиссиясига киритиш.<br>**2.** Тоифаси ўзгартирилган ер майдонида замонавий типдаги бўрдоқи боқишга мўлжалланган комплекс қуриш.<br>**3.** Лойиҳани амалга ошириш ҳисобига **30 та** янги иш ўринларини яратиш ва йилига **200 тонна** гўшт етиштириш. | 2025 йил март<br><br>2025 йил январ-ноябр<br><br>2025 йил ноябр | 15,8 млрд сўм,<br>*( 5,0 млрд сўм ташаббускорлар ўз маблағлари,<br>10,8 млрд сўм банк кредити)* | Вазирлар Маҳкамаси,<br>Давлат Кадастрлар палатаси **(Валиев)**,<br>Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси **(Норқобилов)** |

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбаси ва миқдори | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| **13.** | Ғўбдин маҳалласи ҳудудидан 1,2 гектар ер майдонлари тоифасини ўзгартириш орқали микро ГЭС қуриш. | 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 16-февралдаги "Қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-57сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида туманда микро ГЭС қурилиши учун Ғўбдин маҳалласи ҳудудидаги 1206, 1207, 1210-дала контурлардаги 1,2 гектар ер майдонлари тоифасини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан бошқа ерлар тоифасига ўзгартириш.<br>2. Лойиҳани амалга ошириш ҳисобига **10 та** янги иш ўринларини яратиш ва йилига **2 МВт** электр энергияси ишлаб чиқарилиб бюджетга қўшимча 220 млн сўм тушум туширилишига эришилади. | 2025-2026 йиллар | 2 млн АҚШ доллар хорижий инвестиция ҳисобидан | Вазирлар Маҳкамаси, Энергетика вазирлиги (**Ж.Мирзамаҳмудов**) |

**Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари** **Ш.Ибрагимов**